

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2021.P.26.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ФАРХОД ТЎХТАЕВИЧ**

**ЎСМИР БАСКЕТБОЛЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР  
ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по  
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
psychological Sciences**

**Эгамбердиев Фарход Тўхтаевич**

Ўсмир баскетболчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи  
психологик омиллар..... 3

**Эгамбердиев Фарход Тўхтаевич**

Психологические факторы, влияющие на формирование волевых качеств у  
баскетболистов-подростков.....26

**Egamberdiev Farxod To'xtaevich**

Psychological factors influencing the formation of volitional qualities in adolescent  
basketball players.....52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ List of published works ..... 56

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ФАРХОД ТЎХТАЕВИЧ**

**ЎСМИР БАСКЕТБОЛЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР  
ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ПСИХОЛОГИК  
ОМИЛЛАР**

**19.00.06 – Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/P235 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ZiyoNet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жўраев Баҳром**

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурасулов Рустам Абдурайимович**

Психология фанлари доктори (DSc), профессор

**Махмудов Азам Мухторович**

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2021.P.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu\_kengash@edu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+99871) 276-82-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Ф.А. Акрамова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, психология фанлари доктори, доцент

**Н.Б. Атабаева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Т. Нишонава**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон спорт ҳамжамиятида баскетбол ўйини бўйича рақобатнинг кучайиб бораётганлиги, мусобақа натижаларининг кун сайин ортиб бораётганлиги ёш спортчиларни психологик жиҳатдан тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Американинг ESPN телеканали 2020 йил якунларига кўра, дунёдаги энг машҳур спортчилар рейтинги эълонида жаҳон бўйича энг кўп жойни баскетболчилар эгаллашган. Халқаро спорт ташкилотининг 2019 йилги йил якунлари бўйича берган маълумотида эса дунё бўйича ўқувчи ёшларнинг 34 фоизи спортнинг баскетбол, 29 фоизи кураш, 25 фоизи футбол, 12 фоизи спортнинг бошқа турлари билан шуғулланишлари аниқланган<sup>1</sup>. Бу борада ўсмир ёшидаги спортчиларда иродавий сифатларнинг шаклланиши мураккаб психологик жараён саналиб, уни илмий тадқиқ этиш орқали ўзига хос дастурий таъминотини яратиш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот марказларида ўсмир спортчиларнинг юқори савиядаги мусобақаларга бўлган мотивацияларини ошириш, уларнинг иродавий сифатлари имкониятларини янада такомиллаштириш, функционал тайёргарлик шарт-шароитларини дунё тажрибасига тенглаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўсмир спортчиларнинг касбий тайёргарлигига назарий, амалий, методик ёндашиш, уларни иродавий тайёрлашнинг шартлари ва методикаларини такомиллаштириш, муваффақияти учун зарур бўладиган касбий билим, малака ва кўникмаларни аниқлаш, инсоннинг рефлексив қобилиятлари, ўзини ва ташқи дунёни англаши, адекват баҳолаш ва бошқариш, ўзини ўзи назорат қилиш ва тарбиялаш билан боғлиқ психологик омиллар психодиагностикаси ва психокоррекциясини амалга ошириш масалаларига эътибор қаратиш зарурати кузатилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш орқали саломатлигига аҳамият бериш бўйича ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилди. «Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар ишлаб чиқиш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш»<sup>2</sup>га йўналтирилган кенг кўламли ишларни амалга оширишда психологик тадқиқотлар учун алоҳида вазифалар белгиланган. Шу ўринда, ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш ва уни баҳолашнинг методик таъминотини тубдан такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний

<sup>1</sup><https://www.sportanddev.org/en/organisation/international-sport-organization> (ISO), Proceedings of the international seminar on the development of sports and youth sports. April 2019.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 03.06.2017 й. ПҚ-3031 сонли Қарори. Lex.uz.

тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлар, 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикаимизнинг психолог олимларидан Р.А.Абдурасулов, З.Г.Гаппаров, Д.И.Илхамова, Ж.С.Искендеров, М.М.Маматов, Й.Н.Машарипов, А.И.Расулов, Г.И.Саттарова, Э.Ғ.Ғозиев, З.Э.Ғозиева ва бошқалар томонидан ирода ва иродавий сифатлар муаммосининг назарий-методологик масалалари, ихтиёрий ҳаракатлар ва уларни ўзлаштириш, иродавий сифатлар шаклланишининг ёш хусусиятлари, ўқувчиларда спорт мотивлари ҳамда ахлоқий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари масалалари илмий тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан М.Я.Басов, Н.А.Батурин, И.Д.Бех, М.И.Боришевский, И.П.Вольков, А.В.Воронин, Ф.Н.Генов, Л.Л.Гиссен, Г.Д.Горбунов, Е.П. Ильин, В.А.Иванников, В.К.Калин, О.А.Конопкин, В.И. Селиванов, Б.Н.Смирнов, Г.Д.Луков, А.В.Радионов, М.В.Свечение, О.А.Сиротин, С.Я.Самулькин, В.И.Моросанова, А.В.Шаболтас ва бошқалар томонидан спорт фаолияти учун хос бўлган иродавий сифатлар, иродавий сифатларга таъсир этувчи психологик омиллар, ўсмир спортчиларда иродавий сифатларни тарбиялаш ҳамда спорт фаолиятига иродавий тайёрлашнинг илмий-назарий асосларига оид масалалар тадқиқ этилган.

Хориж тадқиқотчиларидан J.M.Ackerman, L.S.Barrett, D.M.Beer, P.H.Baillie, N.J.Goldstein, L.R.Corno, R.B.Carlson, C.S.Helfrich, Slessareva, G.E.Kielhofner, G.T.Kielhofner, R.Z.Kanfer, M.L.Rodriguez, M.SMuraven, C.Y.Mattingly, J.R.Shapiro, S.M.Murphy, Y.G.Shoda ва бошқаларнинг илмий изланишларида иродавий сифатларнинг шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллари маълум даражада тадқиқ этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университетининг илмий-тадқиқот режаларини БВФ-1-001-рақамли «Вояга етмаганлар ахборот хавфсизлигини таъминлашда соҳалараро ёндашувнинг илмий-услубий асосларини яратиш» номли амалий лойиҳаси доирасида бажарилган(2017-2020 йй.).

**Тадқиқот мақсади** ўсмир ёшдаги баскетболчиларда иродавий сифатлар

шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш асосида мазкур йўналиш бўйича зарур таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ўсмир баскетболчиларда ижтимоий фрустрациянинг дифференциал фарқларини ҳамда улардаги иродавий сифатлар шаклланишини аниқлаш;

ўсмир баскетболчиларда «енгиб ўтувчи хулқ-атвор»ни ривожлантириш, «оқилона ҳаракат», «ижтимоий қўллаб-қувватланиш» каби иродавий сифатларнинг шаклланганлигини эмпирик тадқиқ этиш;

ўсмир баскетболчиларнинг иродавий сифатларни шакллантиришнинг тактикаси учун зарур бўлган қарорлар қабул қилиш кўникмаси, интуитив тафаккур ва ички мотивлар таъсирини аниқлаштириш;

баскетболчиларнинг мусобақага психологик тайёргарлик даражасини оширишда иродавий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўсмир ёшдаги баскетболчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни аниқлаш жараёни бўлиб, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари спорт ўйинлари ва енгил атлетика спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг «Баскетбол» спорт тури бўйича шуғулланувчи спортчи-ўқувчиларидан 320 нафар респондент танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўсмир ёшдаги баскетболчи спортчиларда иродавий сифатларнинг шаклланиш жараёни ҳамда уларга таъсир этувчи психологик омиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда анкета, кузатиш методлари, спортчиларда иродавий сифатларга таъсир қилувчи психологик омилларни ўрганишда Вассерман томонидан ишлаб чиқилган «Ижтимоий фрустрация даражаси» методикаси, Дубовицкаянинг «Енгиб ўтувчи хулқ-атворни ўрганиш» сўровномаси, Чумакованинг «Шахс иродавий сифатларини ўрганиш» сўровномаси ва Элерс томонидан ишлаб чиқилган «Муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш» каби сўровномалардан фойдаланилган. Олинган натижаларнинг статистик ишончлилиқ даражаси математик статистика методларидан: факторли таҳлил, Стъудентнинг  $t$ -мезони, Краскал-Уоллис мезони, К. Пирсоннинг  $r_p$ -корреляция коэффициенти орқали тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўсмир баскетболчиларда ижтимоий фрустрациянинг даражавий намоён бўлиши ижтимоий вазиятларда импунитив хатти-ҳаракатларнинг «муаммога йўналган», «Менни ҳимоялашга йўналган» реакция типлари билан уйғунлашуви ижтимоий масъулият, қатъиятлилиқни дифференциал ривожлантирганлигига асосланиб, улардаги иродавий сифатларни шаклланишига кўп векторли таъсир этиши далилланган;

ўсмир баскетболчиларда «енгиб ўтувчи хулқ-атвор»нинг ривожланганлигига кўра, жамоавий ҳамкорликдаги фаолиятда «вазиятни енгиб ўтиш», «оқилона ҳаракат», «ижтимоий қўллаб-қувватланиш» хулқ стратегияларини локус назоратнинг таъсирида кучайиши туфайли иродавий

сифатлар шаклланишида дифференциал фарқлар кузатилиши асосланган;

ўсмирларда иродавий сифатларнинг шаклланганлиги жамоавий фаолиятда спорт тактикасини қўллаш билан боғлиқ оқилона қарорлар қабул қилиш кўникмасини мақсадга интилувчанлик, қатъиятлилик хусусиятларига устуворлик бериш асосида ривожланишига мувофиқ муваффақиятга интилиш мотивининг намоён бўлишига тўғри пропорционаллиги исботланган;

баскетболчиларнинг мусобақага психологик тайёргарлик даражасини оширишда иродавий сифатларни шакллантиришнинг муҳимлигига кўра, тактик ва интуитив тафаккур, ички мотив, эмоционал интеллектни «жамоавий ҳамкорлик» қадрияти таъсирида ривожланишига асосланиб, психокоррекция фаолиятга муаллифлик «Ўсмир баскетболчи-спортчиларда иродавий сифатларни шакллантириш модели»ни киритиш самарали эканлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

республика миқёсида, иродавий сифатлар шаклланишининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва ўсмир баскетболчи спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларнинг амалий имкониятлари тизими аниқланди;

ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар ривожланишининг ижтимоий фрустрация, шахс иродавий сифатлари, енгиб ўтувчи хулқ-атвор ва муваффақиятга эришиш – муваффақиятсизликдан қочиш хусусиятлари ўртасидаги психологик хусусиятлар ёритилди;

иродавий сифатларнинг тизимли ҳосила сифатидаги илмий маълумотлар олинган ва шахс хусусиятларининг турли даражаларида намоён бўладиган иродавий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари аниқланган ва амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши жараёнида қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши; олинган эмпирик натижаларни қайта ишлаш математик-статистик таҳлил қилиш усулларида фойдаланилганлиги (омилли таҳлил, корреляцион таҳлил, дисперсион таҳлил, Стьюдентнинг t-мезони, Краскал-Уоллис мезони) ва миқдорий кўрсаткичлар, яъни математик-статистик мезонларнинг ишончли методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, миқдорий кўрсаткичларни психологик таҳлил қилишда ишончлилик мезонларига таянилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тўпланган илмий-назарий материаллар «Спорт психологияси», «Онтогенез психологияси», «Педагогик психология», «Психодиагностика», «Психотренинг амалиёти» фанларини янги маълумотлар билан бойитишга, ушбу фанлардан намунавий ва ишчи дастурлар мазмунини тўлдиришга, ўсмир баскетболчилар тайёрлашда



психологик тренинг амалиёти каби соҳалари билан ўзаро алоқадорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти спорт таълим муассасалари тизимида психологик хизматни ташкил этишда, ўсмир баскетболчи ўқув фаолиятида юзага келадиган иродавий сифатларни келтириб чиқарувчи психологик омилларни ривожлантиришда, жамоавий спорт фаолиятида иродавий ва мотивацион жараёнларни шакллантиришда самара беради, шунингдек, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялар асосида спорт таълими муассасаларида фаолият олиб бораётган психолог ўқитувчилар, спорт таълими муассасаси психологлари, психология соҳалари бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳамда бошқа амалиётчи психологлар кенг фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсмир баскетболчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

ўсмир баскетболчиларда ижтимоий фрустрациянинг даражавий намоён бўлиши ижтимоий вазиятларда импунитив хатти-ҳаракатларнинг «муаммога йўналган», «Менни ҳимоялашга йўналган» реакция типлари билан уйғунлашуви ижтимоий масъулият, қатъиятлилиқни дифференциал ривожлантирганлигига асосланиб, улардаги иродавий сифатларни шаклланишига кўп векторли таъсир кўрсатишига доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги №ПМ-46-а сонли буйруғи билан «Онтогенез психологияси ва дифференциал психология» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги №ПМ-46-а сонли маълумотномаси). Натижада лабораториянинг илмий-методик таъминотининг бойишини таъминланган;

ўсмир баскетболчиларда «енгиб ўтувчи хулқ-атвор»ни ривожланганлигига кўра, жамоавий ҳамкорликдаги фаолиятда «вазиятни енгиб ўтиш», «оқилона ҳаракат», «ижтимоий қўллаб-қувватланиш» хулқ стратегияларини локус назоратнинг таъсирида кучайиши туфайли, иродавий сифатларни шаклланишида дифференциал фарқлар кўрсаткичларига доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги № ПМ-46-а сонли буйруғи билан «Умумий психология» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги № ПМ-46-а сонли маълумотномаси). Натижада ўсмир ёшдаги баскетболчи спортчиларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлигини аниқлашнинг психодиагностик воситаларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўсмирларда иродавий сифатларни шаклланишига жамоавий фаолиятда спорт тактикасини қўллаш билан боғлиқ оқилона қарорлар қабул қилиш кўникмасини мақсадга интилувчанлик, қатъиятлилиқ хусусиятларига устуворлик бериш асосида ривожланишига мувофиқ, муваффақиятга

интилиш мотивининг намоён бўлишига тўғри пропорционалликка доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги № ПМ-46-а сонли буйруғи билан «Оила психологияси» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги № ПМ-46-а сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида ўсмирлик даврида иродавий сифатларга хос хусусиятлар билан боғлиқ илмий-методик таъминотни бойитишга хизмат қилади;

баскетболчиларнинг мусобақага психологик тайёргарлик даражасини оширишда иродавий сифатларни шакллантиришнинг муҳимлигига кўра, тактик ва интуитив тафаккур, ички мотив, эмоционал интеллектни «жамоавий ҳамкорлик» кадрияти таъсирида ривожланишига асосланиб, психокоррекцион фаолиятга муаллифлик «Ўсмир баскетболчи-спортчиларда иродавий сифатларни шакллантириш модели»ни ҳамда психологик-профилактик чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган амалий тавсияларга доир натижалар Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги № ПМ-46-а сонли буйруғи билан «Консультатив психология ва психокоррекция» модулига киритилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2021 йил 26 августдаги № ПМ-46-а сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши спорт мактабларида фаолият юритадиган мутахассисларни психологик хизмат фаолиятига доир билим, малака, кўникма ва компетенцияларининг аниқлашга мўлжалланган методикаларнинг илмий-амалий таъминотини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертацион тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертацион тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича жами 14 та илмий иш, шундан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та ва хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 131 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертациянинг мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси тавсифланган. Ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги

очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Психологияда иродавий сифатлар шаклланиши муаммосининг назарий-методологик масалалари**» деб номланган бўлиб, унда иродавий сифатлар муаммоси психология фанининг предмети сифатида ўрганилганлиги келтирилган. Замонавий психологик тадқиқотларда иродавий сифатларнинг ўрганилганлик ҳолати муаммоси талқин қилинган. Шунингдек, ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар атрофлича ёритилган.

Иродавий сифатларни тадқиқ этиш нафақат умумпсихологик ёндашувларни, балки уни тадқиқ этиш муаммо борасидаги кўплаб концептуал асосларни кўриб чиқишни талаб этиши табиийдир. Шунингдек, ирода ва иродавий сифатлар масаласини тушунтиришда урта катта ёндашув тан олиниб, уларга мотивацион ёндашув, регуляцион ва эркин танлов каби ёндашувлар киритилади. Айрим тадқиқотчилар ирода феноменини тушунтиришда уч муҳим жиҳат мазмунига алоҳида тўхталиб ўтадилар. Яъни ҳаракатни танлаш, ҳаракатни бошлаш ва ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш шулар жумласидандир.

С.А.Шапкиннинг айтишича, инсон ўз ҳаракатлари учун маънавий жавобгар ҳисобланади. Чунки у ўз мақсадлари ва бошқаларнинг тақдири учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши лозим. Регуляцион ёндашувга кўра, ирода-мақсадларни белгилаш, режалаштириш, ташқи ва ички тўсиқларни енгишнинг ички шарти, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, когнитив схемалар, режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, мақсадларни моделлаштириш, ҳаётий стратегиялар каби функцияларни бажаради.

Д.А.Леонтьевнинг ёзишича, ҳар бир инсон учун ихтиёрий фазилатлар яхлит тизим сифатида намоён бўлади, лекин бу тизимнинг бўғинлари тузилиши, турли инсонлар учун бир хил эмас. Бундан ташқари, ҳар хил фаолият турларида ихтиёрий фазилатлар ўзгаради, шунинг учун иродали сифатлар йиғиндиси бир-бири билан узвий боғланган, уни тадқиқ этишда мобил, динамик тизим сифатида қаралиши лозим. Худди шундай қарашлар ва мулоҳазаларни кўплаб психологик олимларнинг изланишларида учратиш мумкин.

Таъкид жоизки, иродавий сифатлар масаласида спорт психологиясига оид дарсликларда ҳам ўзига хос изланишлар қайд этилган. Шунингдек, спорт психологлари орасида, иродавий сифатларни маълум бир спорт учун аҳамият даражасига қараб ажратиш анъанаси мавжудлигини кўриш мумкин. Умумий сифатлар спортнинг барча турлари билан боғлиқ саналса, асосий сифатлар маълум бир спорт турларига тегишли ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишини тадқиқ этишнинг илмий-амалий жиҳатлари**»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишини тадқиқ этишнинг психодиагностик

воситалари, ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишининг психодиагностик таҳлили ва спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишининг ўзига хослиги каби хусусиятлар кўриб чиқилган.

Е.Н.Гогоновнинг сўзларига кўра, иродавий сифатлар спортда инсон ҳаракатларини психофизик тартибга солишнинг механизми саналиб, у мураккаб вазиятларни енгиш жараёнида намоён бўлувчи шахс хусусиятларидан биридир. Спортда иродавий сифатларнинг намоён бўлиши нафақат муваффақиятга интилиш - муваффақиятсизликка йўл кўймаслик балки инсонда шаклланган ахлоқий муносабатларнинг шаклланганлиги билан ҳам тушунтирилади. Ҳозирги кунда, ўсмир спортчиларни иродавий жиҳатдан тайёрлаш ишлари долзарб аҳамият касб этиб қолмасдан, уни янада ривожлантиришни талаб этмоқда. М.Я.Басов таъкидлаганидек, спортда иродавий машқлантиришнинг психологик усуллари етарлича ривожлантирилган. Бундан ташқари, махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, психологик ва педагогик характердаги илмий-услубий асарларда, спортчиларнинг иродаси, иродавий жиҳатдан тайёрлаш муаммоларига қизиқиш сезиларли даражада камайган.

Ўсмир спортчиларда ўз-ўзини ихтиёрий тартибга солиш, шунингдек, уларда бирламчи иродавий сифатларни ривожлантириш масалалари, спорт машғулотларининг дастлабки босқичида жуда муҳимдир. Чунки бу ўтиш даври ҳисобланиб, унда инсоннинг қизиқишлари, соҳага бўлган қобилияти, мотивация даражаси кабилар ҳисобга олиними лозим. Ўсмирлик ёшида иродавий сифатлардан «қатъиятлилик» эндигина шаклланаётган сифатлардан бири сифатида тан олинади. Қолаверса, бундай хулосалар кўплаб етук психологлар томонидан эътироф этилган. С.Я.Самулктнинг хулосаларига кўра, ҳар бир ёш спортчи, авваламбор, қулайлик принципига риоя қилиши керак. М.В.Чумакованинг ёзишича, ҳар қандай муваффақиятли ўсмир спортчи мустақил қарор қабул қила олиши, вазифаларда масъулиятли бўлиши, ички фаолликка, мақсадга мувофиқлик, мақсадга эришишга тўсқинлик қилаётган ички ва ташқи тўсиқларни бартараф эта олишга имкон берувчи қобилиятларга эга бўлиши лозим. Психологик жиҳатдан ташкил этилган тизимли жисмоний машқлар ва машғулотлар нафақат ўсмирларни функционал ривожлантиради, балки уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлайди, ижодкорлик сифатларини такомиллаштиради ҳамда шахсини тарбиялашга кенг хизмат қилади. Ўсмир спортчиларда иродавий сифатларни ривожлантириш мураккаб иш саналса-да, тадқиқотчилардан А.Л.Попов, Г.Д.Бабушкин, В.Н.Смоленцева каби тадқиқотчиларнинг тавсиялари энг самарадор ёндашувлар сифатида тан олинади.

**«Спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омилларни ўрганишнинг эмпирик таҳлили»** деб номланган диссертациянинг учинчи боби иродавий сифатлар ривожланишининг тарбиявий психологик компонентлари, шахс фаоллиги ва иродавий сифатлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик жиҳатлари ҳамда ўсмир спортчиларда иродавий сифатларни шакллантиришнинг психокоррекцион дастури ва моделларини аниқлашдан иборат.

**Фрустрация даражасини ўрганиш сўровномаси кўрсаткичлари  
(Стьюдентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )
Фрустрация	Қашқадарё м	1,59	0,16	Қашқадарё м	1,67	0,19
	Самарқанд м	1,48		Самарқанд м	1,64	
Ижтимоий фрустрация	Қашқадарё м	2,69	0,003**	Қашқадарё м	2,78	0,003**
	Самарқанд м	1,86		Самарқанд м	2,06	
Экстрапунитив	Қашқадарё м	3,48	0,12	Қашқадарё м	3,97	0,16
	Самарқанд м	3,32		Самарқанд м	3,69	
Интрапунитив	Қашқадарё м	3,42	0,14	Қашқадарё м	3,86	0,17
	Самарқанд м	3,26		Самарқанд м	3,64	
Импунитив	Қашқадарё м	3,23	0,003**	Қашқадарё м	3,87	0,003**
	Самарқанд м	3,92		Самарқанд м	4,60	

Изоҳ: \*= $p \leq 0,05$ , \*\*= $p \leq 0,01$  \*\*\*= $p \leq 0,001$

Баскетболчи ўқувчиларда ижтимоий фрустрация даражалари сўровномасига кўра, биринчи шкала, яъни фрустрация 1,59-1,48 миқдор билан ўртачага яқин натижани намоён қилган.

Кейинги шкала ижтимоий фрустрация даражаси баскетболчи ўсмирларда 2,69-1,86 билан ўртача даражани ташкил қилган. Кейинги шкалага кўра, баскетболчи ўсмирларнинг экстрапунитив фрустрация шкаласи бўйича олган натижалари 3,48-3,12 даражани намоён қилган. Кейинги шкала интрапунитив бўйича 3,42-3,26 миқдорни намоён қилган. Баскетболчи ўсмирларда интрапунитив фрустрация стандарт балл бўйича ўртачани ташкил қилган. Интрапунитив шкалада фрустрация юзага келганда шахсда хавотир ҳисси, танглик ҳолати, камгаплик кузатилади. Навбатдаги шкала импунитив бўйича баскетболчи ўсмирларнинг кўрсаткичи 3,23-3,92 ни намоён қилган.

Ирода шахснинг психологик қиёфаси, унинг ижтимоий ҳаёти ва фаолияти шароитида турли ахборотлар натижаси сифатида юзага келган мотивларнинг хусусияти ва мақсади билан уйғунлашгандир.

Шахс ўзидаги қарама-қаршиликларни енгилга нисбатан бундай муносабат, биринчидан, субъектнинг айрим истаклари, мустақамланган салбий одатлари; иккинчидан, турмуш ҳодисаларига нисбатан кўникиш ҳисси; учинчидан, маъқулланмаган ахлоқ-одоб принциплари, анъаналар билан курашишнинг кечиши иродавий актнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлган хислати ҳисобланиши иродавий зўр бериш томонидан идора қилинади.

Ўсмир спортчиларда иродавий фазилатларнинг шаклланиши, ижтимоий муносабатлар тизимига киришиш билан ҳамоҳанг кечиш, у мустақил бўлишга интилиш, ахлоқий жиҳатдан тажриба орттириш, шахсий тажрибани эгаллаш кабилар билан характерланади.

**Енгиб ўтувчи хулқ-атвор сўровномаси бўйича умумий ўртача кўрсаткичлар (Стъудентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )
Матонат	Қашқадарё м	4	0,09	Қашқадарё м	3	0,14
	Самарқанд м	3		Самарқанд м	2	
Вазиятни енгиб ўтиш	Қашқадарё м	3	0,003**	Қашқадарё м	3	0,12
	Самарқанд м	5		Самарқанд м	4	
Оқилона ҳаракат	Қашқадарё м	8	0,003**	Қашқадарё м	6	0,003**
	Самарқанд м	6		Самарқанд м	4	
Журъатсизлик	Қашқадарё м	4	0,004*	Қашқадарё м	3	0,15
	Самарқанд м	2		Самарқанд м	2	
Назорат	Қашқадарё м	5	0,005*	Қашқадарё м	4	0,003**
	Самарқанд м	3		Самарқанд м	2	
Кечинмалар намойиши	Қашқадарё м	4	0,23	Қашқадарё м	3	0,11
	Самарқанд м	4		Самарқанд м	2	
Мадад истаги	Қашқадарё м	5	0,003**	Қашқадарё м	4	0,005*
	Самарқанд м	3		Самарқанд м	2	

Изоҳ: \*= $p \leq 0,05$ , \*\*= $p \leq 0,01$  \*\*\*= $p \leq 0,001$

Спортчиларда иродавий сифатларнинг шаклланишига таъсир қилувчи психологик омиллари юзасидан олинган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, баскетболчи ўсмирларнинг кўрсаткичлари ўзига хос амалий натижаларни келтириб чиқарган. Баскетболчи ўсмирларда енгиб ўтувчи хулқ-атвор сўровномаси бўйича умумий ўртача кўрсаткичи «матонат» шкаласи бўйича 4-3 ни ташкил этади. Бу эса стандарт кўрсаткич бўйича ўртачани ташкил этган. «Вазиятни енгиб ўтиш» шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич баскетболчи ўсмирларда 3-5 ни ташкил этади. «Оқилона ҳаракат» шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич баскетболчи ўсмирларда 8-6 ни ташкил этади.

«Журъатсизлик» шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич баскетболчи ўсмирларда 4-2 ни ташкил этади. «Назорат» шкаласи бўйича ўртача шкала баскетболчи ўсмирларда 5-3 ни ташкил этади. «Кечинмалар намойиши» шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич баскетболчи ўсмирларда 4-4 ни ташкил этади.

Кўпинча жамоада низоли вазиятлар юзага келганида улар биринчи бўлиб ўзларини четга олиб қочишга ёки бўлмаса, жамоа аъзолари билан муроса қилишга мойил бўлишади.

Бошқа спорт турларидан фарқли равишда баскетбол ўйини жамоавий характердаги спорт тури саналиб, унда муваффақият гарови сифатида жамоавий фаоллик, тезкорлик, шерикни ҳис қила билиш, узоқдан мўлжал ола билиш каби қобилиятлар муҳим саналади. Ахлоқий компонент - ўқув машғулотлари, соҳага оид дарсликлар, соҳа тарихига оид маълумотлар орқали ривожланади. Шунинг учун, ахлоқий жиҳатдан шаклланган спортчи ўсмир ёшларгина қаҳрамонлик кўрсата олишади.

**Шах иродавий сифатлари даражаларининг кўрсаткичлари  
(Стьудентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )
Иродавий масъулиятлилик	Қашқадарё м	4,42	0,10	Қашқадарё м	3,67	0,12
	Самарқанд м	3,56		Самарқанд м	2,64	
Журъатлилик	Қашқадарё м	5,48	0,002***	Қашқадарё м	4,78	0,003**
	Самарқанд м	3,62		Самарқанд м	3,06	
Матонатлилик	Қашқадарё м	5,89	0,005*	Қашқадарё м	4,97	0,005*
	Самарқанд м	4,54		Самарқанд м	3,96	
Қатъийлик	Қашқадарё м	3,85	0,09	Қашқадарё м	3,68	0,15
	Самарқанд м	4,90		Самарқанд м	3,02	
Ғайратлилик	Қашқадарё м	3,70	0,003**	Қашқадарё м	3,51	0,004**
	Самарқанд м	2,59		Самарқанд м	2,06	

Изоҳ: \*= $p \leq 0,05$ , \*\*= $p \leq 0,01$  \*\*\*= $p \leq 0,001$

Баскетболчи ўсмир ўқувчилар биринчи шкала бўйича иродавий масъулиятлилик 4,42-3,56 фактори билан алоҳида характерланган.

Кейинги шкала журъатлилик бўйича 5,48-3,62 микдор билан ўртачадан юқори кўрсаткични намоён қилган. Журъатлилик шкаласининг барқарорлиги баскетболчи ўсмирларда спорт турига нисбатан матонат ва масъулиятлилик сифатларининг етуклигини билдиради. Баскетболчи ўсмирларда матонатлилик шкаласи бўйича кўрсаткич 5,89-4,54 даража билан ўзаро фарқланган. Бу кўрсаткич стандарт балл бўйича юқори эканлигини билдиради. Навбатдаги шкала қатъийлик шкаласи бўйича баскетболчи ўсмирларнинг натижалари 3,85-4,90 натижа билан ўртача эканлигини намоён қилган. Охириги шкала ғайратлилик бўйича баскетболчи ўсмирларнинг натижалари 3,70-2,59 фарқ билан юқори натижани акс эттирган.

4-жадвал

**Муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш  
даражасини ўрганиш сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари  
(Стьудентнинг t-мезони бўйича)**

Шкалалар	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )	Гуруҳ	М	t-статистика ( $p \leq 0,05$ ); ( $p \leq 0,01$ )
Муваффақиятга эришиш	Қашқадарё м	12	0,003**	Қашқадарё м	10	0,004*
	Самарқанд м	15		Самарқанд м	13	
Муваффақиятсизликдан қочиш	Қашқадарё м	12	0,002***	Қашқадарё м	10	0,003**
	Самарқанд м	8		Самарқанд м	7	

Изоҳ: \*= $p \leq 0,05$ , \*\*= $p \leq 0,01$  \*\*\*= $p \leq 0,001$

Ўсмир спортчиларда иродавий сифатларни шакллантириш ишларида спорт мураббийининг шахслилик хусусиятлари ҳам муҳим ҳисобланиб, унда

унинг касбий маҳорати, касбий кўникма ва малакалари ҳамда касбий компетенцияси кабилар муҳим рол ўйнайди. Яъни тезлик, эпчиллик, юқори даражада кучланиш, охирги дақиқаларда чидамли бўлиш, қатъиятлилиқ, жамоавий жипслилик кабилар спорт мураббийининг шахсига ҳам узвий боғлиқдир.

Шу жиҳатдан спортчиларнинг касбий фаолиятга чидамлилиқ даражасини текшириш учун Т.Элерснинг муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси сўровномаси қўлланилган. Спортчиларнинг муваффақиятга эришиш шкаласи 12-15 натижани қайд этган. Муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси кўрсаткичи бўйича баскетболчи ўсмирларнинг умумий ўртача коэффициенти 12,-8 даража билан ўртачага яқин миқдорни намоён қилганлиги билан алоҳида изоҳланади.

Иродавий жараён ҳамиша шахсни фаолликка чорлайди, уни қатъий йўл белгилаш сари етаклайди, барқарор ҳаракат қилишга йўналтиради, иккиланиш, шубҳаланишнинг олдини олади. Ирода учун иродавий хатти-ҳаракат мотивацияси муҳим аҳамият касб этади. Худди шу боис ироданинг негизини шахснинг хатти-ҳаракатлари ва ишларининг кенг кўламли, ранг-баранг хусусиятли мотивлаштирилишига омил тариқасидаги эҳтиёжларни вужудга келтиради.

5-жадвал

**Фрустрация ва шахс иродавий сифатлари кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг корреляция коэффициенти бўйича)**

Фрустрация	Ижтимоий фрустрация	0,485*
	Импунитив	0,572**
	Иродавий масъулиятлилиқ	0,468*
Ижтимоий фрустрация	Матонатилиқ	0,498*
	Экстрапунитив	0,446*
	Импунитив	0,596**
Экстрапунитив	Иродавий масъулиятлилиқ	0,464*
	Иродавий масъулиятлилиқ	0,482*
	Журъатлилиқ	0,490*
Интрапунитив	Импунитив	0,468*
	Иродавий масъулиятлилиқ	0,523**
Импунитив	Иродавий масъулиятлилиқ	0,464*
	Қатъийлик	0,482*
Иродавий масъулиятлилиқ	Журъатлилиқ	0,545**
Журъатлилиқ	Матонатлилиқ	0,552**
Матонатилиқ	Қатъийлик	0,457*
Қатъийлик	Импунитив	0,525**
Ғайратлилиқ	Ижтимоий фрустрация	0,516**

**Изоҳ:** \* –  $p \leq 0,05$ ; \*\* –  $p \leq 0,01$ ; \*\*\* –  $p \leq 0,001$ .



Спортчиларда иродавий сифатларнинг психологик хусусиятлари бўйича спорт мактабларида таълим олиб бораётган баскетболчи ўсмирларнинг иродавий сифатлар ва фрустрацион ҳолатлар кўрсаткичлари ўртасидаги имкониятларни ўрганиш сўровномалари бўйича шкалалар орасидаги корреляцион алоқалар кўпроқ фрустрация факторларини намоён этди, жумладан: ижтимоий фрустрация ( $r=0,485$ ,  $p \leq 0,05$ ), импунитив ( $r=0,572$ ,  $p \leq 0,01$ ), иродавий масъулиятлилиқ ( $r=0,468$ ,  $p \leq 0,05$ ) ва матонатлилиқ ( $r=0,498$ ,  $p \leq 0,05$ ) факторлари билан, ижтимоий фрустрация шкаласи: экстрапунитив ( $r=0,446$ ,  $p \leq 0,05$ ), импунитив ( $r=0,596$ ,  $p \leq 0,01$ ) ва иродавий масъулиятлилиқ ( $r=0,464$ ,  $p \leq 0,05$ ) факторлари билан, экстрапунитив шкаласи: иродавий масъулиятлилиқ ( $r=0,482$ ,  $p \leq 0,05$ ) ва журъатлилиқ ( $r=0,490$ ,  $p \leq 0,05$ ) факторлари билан, интрапунитив шкаласи: импунитив ( $r=0,468$ ,  $p \leq 0,05$ ) ва иродавий масъулиятлилиқ ( $r=0,523$ ,  $p \leq 0,01$ ) факторлари билан, импунитив шкаласи: иродавий масъулиятлилиқ ( $r=0,464$ ,  $p \leq 0,05$ ) ва қатъийлик ( $r=0,482$ ,  $p \leq 0,05$ ) факторлари билан, иродавий масъулиятлилиқ шкаласи: журъатлилиқ журъатлилиқ ( $r=0,545$ ,  $p \leq 0,01$ ) факторлари билан ўрта даражада корреляцион алоқалар кузатилаётганлигини кўриш мумкин.


6-жадвал

**Енгиб ўтувчи хулқ-атвор ва муваффақиятга эришиш - муваффақиятсизликдан қочиш сўровномалари ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти бўйича)**

Матонат	Вазиятни енгиб ўтиш	0,485*
	Оқилона ҳаракат	0,470*
	Назорат	0,546**
Вазиятни енгиб ўтиш	Журъатсизлик	0,478*
	Кечинмалар намоиши	0,591**
	Муваффақиятга эришиш	0,471*
Оқилона ҳаракат	Журъатсизлик	0,596**
	Назорат	0,474*
	Мадад истаги	0,464*
Журъатсизлик	Мадад истаги	0,524**
	Муваффақиятга эришиш	0,675**
Назорат	Оқилона ҳаракат	0,481*
	Журъатсизлик	0,526**
Кечинмалар намоиши	Оқилона ҳаракат	0,486*
	Матонат	0,494*
	Мадад истаги	0,557**
Мадад истаги	Муваффақиятга эришиш	0,462*
	Кечинмалар намоиши	0,589**
Муваффақиятга эришиш	Оқилона ҳаракат	0,452*
Муваффақиятсизликдан қочиш	Муваффақиятга эришиш	0,552**

**Изоҳ:** \* –  $p \leq 0,05$ ; \*\* –  $p \leq 0,01$ ; \*\*\* –  $p \leq 0,001$ .

## Ўсмир баскетболчи-спортчиларда иродавий сифатларни шакллантириш модели



Баскетболчи ўсмирларда енгиб ўтувчи хулқ-атвор ва муваффақиятга эришиш сўровномалари бўйича олинган натижалар шуни намоён қилдики, спорт мактабларида таълим олаётган баскетболчи ўсмирларнинг енгиб ўтувчи хулқ-атвор ва муваффақиятга эришиш хусусиятлари ўртасидаги ўзаро

алоқадор факторлар кўпроқ иродавий матонат шкаласи: вазиятни енгиб ўтиш, оқилона ҳаракат, назорат; журъатсизлик, кечинмалар намойиши, муваффақиятга эришиш компонентлар ( $r=0,471$ ,  $p\leq 0,05$ ) факторлари билан, оқилона ҳаракат шкаласи: журъатсизлик, назорат ва мадад истаги; оқилона ҳаракат, иродавий кувват, мадад истаги орасида юқори даражада корреляцион алоқаларга киришганлигини кўриш мумкин.

Иродавий сифатларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича сўровномалардан олинган корреляцион таҳлиллар шуни кўрсатдики, спортчиларда иродавий сифатларни ўзаро уйғун равишда ривожлантириш учун улар учун асосий психологик шкалалар бир-бири билан боғланган, яъни иродавий матонат, оқилона ҳаракат, вазиятни енгиб ўтиш, муваффақиятга эришиш, назорат, қатъийлик, матонатлилик, иродавий масъулиятлилик, ғайратлилик ва қатъийлик каби психологик омиллар юқори даражада боғланганлиги кўринади.

Тадқиқотнинг мақсадига мувофиқ, психокоррекция дастур босқичма-босқич амалга оширилди:

- ўсмир спортчиларнинг психологик тайёргарлиги;
- баскетбол спорти учун аҳамиятга эга иродавий сифатлар;
- баскетбол спорти учун муҳим бўлган когнитив хусусиятлар;
- бирламчи муҳим ва иккиламчи муҳим сифатлар;
- хиссий-иродавий, коммуникатив ва мотивацион соҳалар.

Модел мазмунида акс этган мазкур сифатлар мажмуи, ўзига хос қобилиятлар саналиб, уларсиз ҳеч бир спорт турини тасаввур этиш мушкул саналади. Шу билан бирга модел мазмунида иродавий сифатлар билан алоқадор бўлган, баскетбол спорти учун шарт саналган бошқа психик соҳаларнинг роли ҳам кенг эътиборга олинган.

## ХУЛОСА

«Ўсмир баскетболчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар» мавзусида олиб борилган тадқиқот иши натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини беради:

1. Баскетболчи ўсмир спортчиларда иродавий сифатларнинг ижтимоий-психологик ривожланишини таъминловчи: иродавий матонат, оқилона ҳаракат, вазиятни енгиб ўтиш, муваффақиятга эришиш, назорат, қатъийлик, матонатлилик ва иродавий масъулиятлилик каби психологик омиллар муҳим кўрсаткичлар эканлиги аниқланди.

2. Баскетболчи ўсмир спортчилар иродавий сифатларининг барқарорлигини таъминлашда: иродавий матонат, тангли вазиятларни енгиб ўтиш, оқилона ҳаракатларнинг мавжудлиги, иродавий масъулиятлиликнинг конструктивлиги ва ижтимоий фрустрацион ҳолатларга бардошлилик каби психологик хусусиятларнинг шаклланиши асос сифатида хизмат қилади.

3. Баскетболчи ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига: муваффақиятсизликдан қочиш, журъатсизлик, ижтимоий фрустрация, атрофдагилардан мадад кутиш, иродавий масъулиятсизлик, қатъиятсизлик ва

назоратнинг беқарорлиги каби психологик бирликлар салбий даражада таъсир этиши кузатилди.

4. Баскетболчи спортчилар фаолиятида иродавий матонат, оқилона ҳаракат, вазиятни енгиб ўтиш, муваффақиятга эришиш, ўз-ўзини назорат, масъулиятлилик, ғайратлилик, журъатлилик ва қатъийлик каби сифатлар юқори даражада аҳамиятли омиллар эканлигини намоён қилган.

5. Спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар текширилганда сўровномалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муносабатларда, ижтимоий фрустрация, шахс иродавий сифатлари, енгиб ўтувчи хулқ-атвор ва муваффақиятга эришиш - муваффақиятсизликдан қочиш каби психологик хусусиятлар алоқадорлиги ўрта даражада ифодаланганлиги аниқланди.

6. Баскетболчи спортчилар иродавий сифатларини ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган: ижтимоий фрустрация, муваффақиятсизликдан қочиш, журъатсизлик, иродавий масъулиятсизлик ва қатъиятсизлик каби психологик омиллар таъсирини олдини олиш билан боғлиқ тарбиявий шарт-шароитларни яратиш асосий омил сифатида хизмат қилади ва зарур сифатлар ривожланишини таъминловчи психокоррекция ривожлантирувчи дастури ҳамда модели ишлаб чиқилди.

## ТАВСИЯЛАР

1. Баскетболчи спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига муваффақиятсизликдан қочиш, журъатсизлик, ижтимоий фрустрация, иродавий масъулиятсизлик, қатъиятсизлик ва назоратнинг беқарорлиги каби сифатлар салбий жиҳатдан таъсир кўрсатишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ саналади.

2. Республикадаги спорт мактабларида таълим олувчи ўқувчи-ёшларга мазкур мавзу доирасида иродавий сифатлар билан боғлиқ тадқиқот ишларини илмий-амалий жиҳатдан текширишга доир тест, сўровномаларни маҳаллий муҳитга мослаштириш ва спорт соҳаси амалиётига жорий қилиш ўзининг самарасини кўрсатади.

3. Баскетболчи ўсмир спортчиларда иродавий сифатларни шакллантиришда иродавий матонат, тангли вазиятларни енгиб ўтиш, оқилона ҳаракатларнинг мавжудлиги, иродавий масъулиятлиликнинг конструктивлиги ва ижтимоий фрустрацион ҳолатларга бардошлилик каби жиҳатларни алоҳида эътиборга олиш зарур.

4. Спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишига: муваффақиятсизликдан қочиш, журъатсизлик, ижтимоий фрустрация, атрофдагилардан мадад кутиш, иродавий масъулиятсизлик, қатъиятсизлик ва назоратнинг беқарорлиги каби психологик бирликлар салбий даражада таъсир этишини эътиборга олган ҳолда ёндашиш лозим.

5. Республика миқёсидаги спорт мактабларида таҳсил олувчи ўсмир ўқувчиларга спорт психологияси фанини ўқитишга руҳсат этиш ва иродавий сифатларни ривожлантириш билан боғлиқ мавзуларнинг жорий қилиниши тадқиқотни янада амалий жиҳатдан бойишига хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.03/30.12.2021.P.26.02 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭГАМБЕРДИЕВ ФАРХОД ТУХТАЕВИЧ**

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА  
ФОРМИРОВАНИЕ ВОЛЕВЫХ КАЧЕСТВ У БАСКЕТБОЛИСТОВ-  
ПОДРОСТКОВ**

**19.00.06 – Возрастная и педагогическая психология. Психология развития**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.4. PhD/ Fil2154**

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (Psi-ik.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Жураев Бахром**

доктор философии по психологическим наукам (PhD), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Абдурасулов Рустам Абдурайимович**

доктор психологических наук (DSc), профессор

**Махмудов Аъзам Мухтарович**

доктор философии по психологическим наукам (PhD)

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2021.P.26.02 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276- 82-32; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdrukengash@edu.uz Главный корпус, 2-й этаж, 4-й зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, 27. Тел.: (99871) 276-82-32.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр Протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Ф.А. Акрамова**

Председатель совета по присуждению ученой степени, доктор психологических наук, доцент

**Н.Б. Атабаева**

Секретарь совета по присуждению ученой степени, доктор философии по психологическим наукам (PhD), доцент

**З.Т. Нишонова**

Председатель научного семинара при совете по присуждению ученой степени, доктор психологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** Растущая конкуренция в мировом спортивном сообществе по игре в баскетбол, а также возрастающий с каждым днем уровень результатов соревнований требуют необходимость дальнейшего совершенствования системы психологической подготовки юных спортсменов. Формирование волевых качеств у спортсменов-подростков является сложным психологическим процессом, требующим специфического программного обеспечения для его изучения, организации исследования. Согласно данным американского телеканала ESPN по итогам 2020 года, баскетболисты заняли наибольшее количество мест в мире в рейтинге самых популярных спортсменов в мире. По данным международной спортивной организации за 2019 год, 34 процента обучающихся молодых людей во всем мире занимаются баскетболом, 29 процентов борьбой, 25 процентов футболом и 12 процентов другими видами спорта<sup>3</sup>. В связи с этим формирование волевых качеств у спортсменов подросткового возраста считается сложным психологическим процессом, создание собственного программного обеспечения посредством научных исследований остается актуальной проблемой.

В мировых образовательных и научно-исследовательских центрах особое внимание уделяется научным исследованиям по повышению мотивации юных спортсменов к соревнованиям высокого уровня, дальнейшему совершенствованию возможностей их волевых качеств, приравниванию условий функциональной подготовки к мировому опыту. В связи с этим необходимо разработать теоретический, практический, методический подход к профессиональной подготовке спортсменов-подростков, совершенствовать условия и методики их волевой подготовки, определять профессиональные знания, умения и навыки, необходимые для успеха, проводить психодиагностику и диагностику психологических факторов, связанных с рефлексивными способностями человека, восприятием себя и внешнего мира, адекватной оценкой и контролем, самоконтролем и воспитанием наблюдается необходимость сосредоточить внимание на вопросах осуществления психокоррекции.

В последние годы в республике создана нормативно-правовая база, подчеркивающая важность здоровья путем вовлечения населения в массовый спорт. При проведении масштабной работы, направленной на «формирование здорового образа жизни в нашем обществе, создание условий для систематического занятия физической культурой и массовым спортом населения, особенно подрастающего поколения, а также дальнейшее развитие физической культуры и массового спорта», для психологических исследований были определены отдельные задачи. Здесь важное значение приобретает выявление психологических факторов, влияющих на

---

<sup>3</sup><https://www.sportanddev.org/en/organisation/international-sport-organization> (ISO), Proceedings of the international seminar on the development of sports and youth sports. April 2019.

формирование волевых качеств у спортсменов-подростков, и коренное совершенствование методического обеспечения его оценки.

Настоящее диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года №УП-60, «О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области физической культуры и спорта» №УП-5368 от 5 марта 2018 года, «О мерах по дальнейшему развитию физической культуры и массового спорта» №УП-3031 от 3 июня 2017 года, а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационная работа выполнена по приоритетному направлению развития науки и технологий в республике I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Теоретико-методологические вопросы проблемы воля и волевых качеств, волевых действий и их усвоения, возрастные особенности развития волевых качеств, проявления спортивных мотивов у учащейся молодежи, психологические особенности формирования спортивных мотивов и нравственных качеств у учащихся исследовано учёными нашей страны Р.А.Абдурасулов, З.Г.Гаппаров, Д.И.Илхамова, Ж.С.Искендеров, М.М.Маматов, Й.Н.Машарипов, А.И.Расулов, Г.И.Саттарова, Э.Г.Газиёв и З.Е. Газиёвым.

